

10-10-2019

THE INTEGRITY OF CULTURAL PROGRESS AND THE SERIES OF VALUES

Tulkun Ubaydullaevich Abdullayev

Ferghana State University Doctor of philosophical sciences, professor

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Abdullayev, Tulkun Ubaydullaevich (2019) "THE INTEGRITY OF CULTURAL PROGRESS AND THE SERIES OF VALUES," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 9 , Article 20.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss9/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE INTEGRITY OF CULTURAL PROGRESS AND THE SERIES OF VALUES

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ҚАДРИЯТЛАР УЙЎНЛИГИ

Абдуллаев Тўлқин Убайдуллаевич
Фарғона давлат университети
фалсафа фанлари доктори, профессор

Аннотация: Мазкур мақолада Фарғона водийси мисолида демократик жамиятни ривожланиши шароитида маданий тараққиётни кенг кўламли кадриятлар тизимига таъсири, уларни инсоннинг кўп қирган фаолияти содир бўлиятган ўзгаришларнинг бош субъектни сифатида боғланишида еритилди. Шу билан бирга Республика ҳаётининг илмий ва умуман инсоний кадриятларини тарғибот қилишида халқларни юқори даражадаги фаоллиги маданият ва сиёсий етуклик нуқтаи назардан очиб берилган.

Калит сўзлари: жамият, маданият, тараққиёт, кадриятлар, ислохотлар, маънавий ҳаёт, ташаббус, дунёқараш, демократичлашув, технология, инсон омили, тафаккур, фуқаролик позиция.

ЕДИНСТВО КУЛЬТУРНОГО ПРОГРЕССА И СИСТЕМЫ ЦЕННОСТЕЙ

Абдуллаев Тўлқин Убайдуллаевич
Ферганский государственный университет
профессор, доктор философских наук

Аннотация: В статье на примере Ферганской долины рассматривается дальнейшее развитие демократического общества, где культурный прогресс обеспечивает масштабное проявление системы ценностей и их функционирование во взаимосвязи с многогранной деятельностью человека как главного субъекта происходящих изменений. Вместе с тем, анализируется большая активность народов этих областей по пропаганде национальных и общечеловеческих ценностей духовной жизни Республики с точки зрения культуры и политической зрелости.

Ключевые слова: общество, культура, прогресс, ценности, реформа, духовная жизнь, инициативы, мировоззрение, демократизация, технологии, человеческий фактор, мышления, гражданская позиция.

THE INTEGRITY OF CULTURAL PROGRESS AND THE SERIES OF VALUES

Abdullayev Tulkun Ubaydullaevich
Ferghana State University
Doctor of philosophical sciences, professor.

Abstract: This article illustrated the influence of Fergana on the development of the Democratic society, especially the propagation of the cultural progress value. Besides, it was analyzed that the Fergana Valley people looked at the issues of the spread of national and intercommoned values. Furthermore, it shown how the system of values functions in conjunction with the multifaceted activities of man as the main subject of ongoing changes.

Key words: society, culture, progress value reformation, spiritual life, initiatives, world view, democratization, technologies, human factor, thought, civil, position.

Мамалакатимизда ва шу жумладан Фарғона водийсида ҳам, глобаллашув жараёнларини содир бўлиши жамият тараққиётини тезлаштирмақда ва янги қирраларини очиб бермоқда. Барча соҳалар қаторида маданият соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар ҳаётга тадбиқ этиляпти. Республика раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида қисқа вақт мобайнида маданият саройлари, спорт комплекслари, замонавий колледж бинолари барпо этилиши аҳолининг маънавий ҳаётини ҳар томонлама бойитишга қўмаклашияпти. Маданий тараққиёт кўп қамровли ва мураккаб жараён сифатида авваламбор инсон дунёқараши ва тафаккуридан бошланади. Ўзбекистонни жаҳон майдонида мустақкам ўрин эгаллагани, уни сиёсий салоҳиятини ривожланган давлатлари (Россия, Хитой, АҚШ ва бошқалар) олдида тезкорлик билан ўсиб боришини республика фуқоролари илмий дунёқараши ёрдамида ахамиятини ва мазкур жараённинг моҳиятини атрофлича таҳлил қилишияпти ва тегишли хулосаларини амалий ҳаракатларида қўллашияпти. Натижада аҳолининг ғоявий ва сиёсий жинслиги мустақкамланияпти, маданияти ҳар томонлама юксалияпти, маънавий ҳаётлари замонавий компонентлар билан бойиб борапти. Давлатимизнинг уставор вазифаларилан бири-маданий тараққиётга эришиш. Мазкур жараён республиканинг муҳим кўрсаткичи сифатида номаён бўлади. Шу билан бирга аҳолини ва ҳар бир фуқаро ёшларининг истикболини белгилаб беради. Бу йўналишда юзага келиятган муаммолар атрофлича ўрганилади ва мавқуравий, сиёсий чора-тадбирлар ёрдамида бартараф этилади. Масалан, айрим раҳбарлар маланият ҳодимларининг меҳнатини вақтида раҳбарлантирмайди, маъмуриятчилик ва буюруквозлик билан мавжуд вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилишади. Салбий усулларни бартараф этиш мақсадида оммавий ахборот воситаларини имкониятларидан фойдаоланган ҳолда илғор тажрибалар, демократиялашув жараёнларини моҳияти, давом этиятган ислохотларнинг ахамияти кенг қўламда тарғибот қилинияти. Айниқса маданият ходимлари билан учрашувларда жамиятимизнинг долзарб масалалари муҳокама қилинияти ва уларни фаоллигини ошириш йўллари моддий ва маънавий жиҳатдан белгилаб берилипти. Айтиш кераки, ўзаро фикр олмашуви, малакали кадрларни иш услублари ва умуман бой тажрибаларини тарғибот қилиб бориш маданий тараққиётни тезлаштиради ҳамда янги йўналишларни очиб беради Таъкидлаш жоизки, маданий тараққиёт ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатлари билан белгиланганлиги учун ўзига хос қийинчиликлар билан боғлиқ. Жамият ривожланишининг қонунияти шундан иборатки, моддий ва маънавий омиллари боғланишда намоён бўлади, бир бирларини тўлдириб туради. Бу йўналишда инсоннинг ғоялари доимо етакчи роль ўйнайди. Фарғона водийсининг фуқаролари маданий-маърифий масалаларга алоҳида эътибор берашияпти, яни шаҳар ва қишлоқларда мунтазам равишда илмий ва бадий асарларини тарғибот қилиш ярмаркалари, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда ёшлар иштироқида долзарб китобларни муҳокама қилиш таъниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар анъанага айланияпти.

Шу билан бирга аҳолининг турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлари, қарашлари ва маданияти қадрият сифатида шаклланишти Республикада жорий этилаётган демократик ислохотлар авваламбор инсон, унинг манфаатлари ва эҳтиёжларига қаратилган. Барча қадриятлар тизимида инсон, унинг меҳнати, ўзаро муносабатлари ва ҳаракати олий қадрият сифатида эътироф қилинади.

Фарғона водийсини фуқаролари ақл-заковати, ақлий ва жисмоний истеъдоди, меҳнати билан мамлакатнинг маданияти ва маънавий ҳаётини юксалишига салмоқли ҳиссасини кўшияпти. Албатта, бу жараёни мураккаблик томонлари ҳам мавжуд, уларни инобатга олиш методологик ва амалий аҳамиятига эга. Бунинг сабабларидан бири шундаки аҳоли билими ва қарашлари нуқтаи назаридан бир хил даражада намоён бўлмайди, демак уларни республиканинг маданий тараққиётига ҳам муносабатлари юқори, ўрта ва паст даражаларда бўлади. Шунинг учун давлатимиз томонидан республика ҳаётига фуқароларни муносабатларини такомиллаштириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар қўлланиляпти, яъни

- таълим-тарбия тизимини илғор технологиялар билан амалий равишда таъминлаш;

- фуқароларни илмий дунёқарашларини шакллантириш жараёнида назария билан амалиётни уйғунлигига эътибор берилаяпти;

- ўзбек халқининг маънавий меросини модернизациялашув жараёнини талабларидан келиб чиқиб, атрофлича ўрганиляпти ва янги ғоялар билан бойитишга ҳаракат қилинапти;

- миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан уйғунлигида шаклланишти ва мазкур жараён инсон омили, яъни уни тафаккури билан боғланишти;

- фуқароларни билим даражасини асос қилган ҳолда содир бўлаётган ўзгаришларга нисбатан мустақил фикр билдиришлари учун тегишли шароитлар яратилаяпти ва ҳ.к

Демак, маданий тараққиёт биринчи гада жамият таркибида мазмун моҳияти, қонуниятлари ва хусусиятларини номоён қилади. Демократик ва фуқоролик жамиятини тезкорлик билан ривожланиши аҳолининг маънавий ҳаётини янги, бетакрор қирраларини очиб беряпти, ҳар бир фуқоро маданиятини ҳалқимизни бой маънавий мероси билан боғламоқда, айниқса Ибн Сино, Ал-Фарғоний, Фаробий, Беруний, Мотрудий каби буюк алломаларнинг ғояларини асос қилиб олишти ва ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб улардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Натижада, ҳалқимизни маънавий ҳаёти юксалиб боряпти, муҳими янги қадриятлар билан бойиб боряпти. Масалан, мустақиллик байрами, устоз ва мураббийларга бағишланган байрам, айниқса чуқур тарихий илдизга эга бўлган Наврўз байрами кам анъаналар Фарғона водийсида кутаринки рух билан ўтказилаяпти.

Қадриятлар мазмун ва шакл жиҳатдан жамиятни ривожланишига даҳлдор бўлган барча ҳодиса ва жараёнларни қамраб олади. Қадриятлар қаторида маданият асосий компоненти сифатида смодир бўлган ўзгаришларни инсон манфаати, меҳнати, турмуш, ижтимоий-сиёсий фаолияти билан бирга ҳаракат қилади мазкур

ёндашув фуқароларни ижодий изланишга, билим билан фанни, унинг илмий кашфийтларини қадрлашга дават этади.

Меҳнат ижодий ҳарактерга эга бўлса, оила, турмуш маданият, фан, дин, дўстлик каби барча кадриятлари самарали ва бир бири билан боғланишда намоён бўлишига мустаҳкам замин яратади. Кадриятларни уйғунлиги авволан бор бир-бирларига ижобий таъсир этишда кўринади. Ижодий меҳнат қаданиятни кўринишидан бири бўлиб инсон онгини, билим даражасини, амалий ҳаракатига ижобий таъсир этади. Ижодий меҳнатни қонунияти доимо юксалишда кўринади, яъни меҳнат билан маданият бир-бирини янги ғоялар билан тўлдириб туради. Инсон томонидан билдириятган ғоялар давр талабларидан келиб чиқса таъсир этиши сакланади. Шунинг учун маданият тараққиётни негизини ижодий меҳнат эъса муҳим кадрият сифатида ташкил этади ва доимо замонавий технологиялардан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Меҳнат кадриятга айланиши учун ҳар бир инсон унинг моҳияти, мазмуни ва функцияларини аниқлашга ҳаракат қилади. Бунинг учун инсонни ақл-заковати, маданияти, дунёқараши жамиятга нисбатан олдида бўлган ҳолда меҳнат фаполиятининг самарасини ўсиб боришга кўмаклашади.

Таъкидлаш жоизки Республика ҳаётида давом этиятган демократиялашув жараёнлари маданий тараққиёт ва кадриятлар тизимини ҳар томонлама такомиллашувига кенг йўл очиб беряпти, аҳолини асосий қисмида интеллектуал салоҳияти тезкорлик билан ўсиб борияпти, ҳар бир масалага нисбатан мамлакатимиз учун бўлган аҳамияти ва унинг истикболини кўриш нуқтаи назардан ёндашилиаяпти.

Кадрият мазмуни жихаттан жамиятни ҳамма соҳалари ва йўналишларида шаклланади, уларнинг функциялари бир томондан - ҳар бир инсонни улуғлашга, иккинчи томондан эса - Ўзбекистонни ривожланишига қаратилмоқда. Демак фуқароларни вазифаси кадриятларни ҳаётимиздаги ролини аниқлаш билан бирга уларн мунтазам равишда ҳимоя қилишдир ва кенг кўламда тарғибот ишларини олиб боришдир.

Умуман олганда, маданий тараққиёт кўпқиррали жараён бўлганлиги учун асосан аҳолини ташқи қиёфасини ички олами билан яхлитликда шакллантириб боради ва унинг негизда инсоннинг амалий фаолияти хизмат қилади. Агарда инсон маданий тараққиётнинг, афзаллик жихатларини ўрганиб бормаса ва фаолиятида инобатга олмаса унинг ҳаракатида аниқ мақсадга интилиши сусайиб боради. Ундан ташқари, ҳар қандай фаолият мазмуни ва шакл жихатидан баҳоланади ҳамда қадрланади. Инсон ўзига ўзи баҳо бериши, қобилияти, дунёқараши ва меҳнатининг турли шаклларино инобатга олиши – олий кадрият ҳисобланади. Бундай даражага эришиш учун маданий тараққиёт нуқтаи назаридан содир бўлаётган жараёнларни атрофлича ўрганишни, уларни функционал аҳамиятини кадриятлар тизими билан боғлашни тақозо этади. Бу йўналишда ўзига хос афзаллик ва қийинчилик томонлари мавжуд. Масалан, компьютер хизматидан самарали фойдаланишда инсон учун катта имкониятлар очилди ва кадриятларнинг кўлами кенгайтиб борди. Янги маълумотлар ёрдамида инсоннинг фаолияти билан интеллектуал имкониятлари тезкорлик билан ўсиб борияпти. Ундан ташқари, инсонни

чалғитадиган онгини захарлайдиган салбий ахборотлар ҳам тарқалиши кузатиляпти. Бундай ҳолат инсоннинг ҳулқ атвори ва умуман турмуш тарзига салбий таъсир этади. Шу нуқтаи назардан янги қадрият сифатида ахборотларни қабул қилиш маданияти инсон ҳаётига шиддат билан кириб бориляпти. Ушбу замонавий қадрият қуйидаги масалаларни қамраб олади, яъни:

- ахборотни қабул қилишда унинг мазмун-моҳияти, тузилиши, функционал аҳамиятга эътибор берилади.

- ҳар қандай ахборот жамият тараққиётининг таркибида, яъни унинг қонуниятлари билан боғланган ҳолда тадбиқ этилади.

- ахборотларни атрофлича таҳлил қилади, хулоса чиқаради ва амалий фаолиятида қўллашга ҳаракат қилади.

- Ғоявий ва мафкуравий иммунитет асосида салбий ахборотларга нисбатан танқидий муносабатларни билдиришади.

Ахборотлар қадрият сифатида жамият тараққиётини тезлаштиради ва мамлакат барқарорлигини таъминлайди, муҳими миллатлар равнақига хизмат қилади. Масалан водийнинг ҳаёти ҳар томонлама ўзгариляпти, такомиллашиляпти ва қадрият сифатида янги ғоялар, урф-одатлар анъана ва байрамлар билан бир маромда аҳолининг ҳаётида кенгайиб бориляпти. ХХI асрда миллий қадриятлардан фойдаланиш мақсадида албатта компьютер саводхонликка эга бўлиши, компьютер хизматларидан оқилона фойдаланишни, қабул қилинган маълумотларни тартибга солиш, аниқ мақсадлар йўлида фойдаланишни, тўғри хулоса чиқариш устувор вазифалар кун тартибида турибди. “Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шакланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз”[1.66.б]. Ундан ташқари, инсон жамият маданий тараққиётини аниқ тасаввур қилишни ва унинг қонуниятлари асосида қадриятлар тизимини шакллантиради ва улардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.

Қадриятлар тизими ҳар бир миллатни турмуш тарзи ва умуман фаолиятидан бошланади. Миллий қадриятлар жамият таркибида вужудга келади, уни ютуқлари ва истиқболини белгилаб беради. Миллий қадриятлар халқнинг урф-одатлари, анъаналари, удумлари, турмуши, маданияти, меҳнати ва тили каби компонентларни қамраб олади. Қадриятлар тизимида маданият компоненти алоҳида ўрин эгаллайди. Аҳоли маданиятини ўсиб бориши анъана сифатида барча жараёнларга ижобий таъсир этади ва уларни йиғиндиси республика тараққиётида ифодасини топади. Айтиш керакки маданият ва у билан боғлиқ анъаналар кўлами кенг миқёсида номоён бўлади, чунки “маданий анъаналар авлоддан авлодга ўтиб борадиган ва ижтимоий онгининг таркибий қисмига айланган ғоялар ва билимлар қадриятлар, қарашлар ва тасаввурлар, ҳулқ ва дин нормалари ва ҳ.к каби жараёнларни ҳам ўз ичига олади”. [2. 306 б]. Масалан, турмушни юксалиши турмуш маданиятига, меҳнат соҳаси, меҳнат маданиятига олиб келади. Маданият моддий ва маънавий шаклда номоён бўлиб, улар бир бирини тўлдириб туради ва ижобий томонга ўзгариб боради. Мазкур мураккаб жараённи ўзагини маънавий жиҳатлари ташкил этади, яъни инсон юқори билимга эга бўлиши, шахслараро муносабатларни номоён бўлиши, уларни ҳамжиҳатлиги ва аниқ мақсадларга интилишлари маданий тараққиётни белгиларидан бири ҳисобланади. Ҳар қандай маданий тараққиёт эса

содир бўлаётган ўзгаришларни моҳияти ва аҳамиятини англашга ёрдам беради. Шу асосда инсонни ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсиб боради. Шу билан бирга аҳолининг фаоллиги доимо давлатимиз эътиборида. Шунинг учун аҳолининг фаоллиги атрофлича ўрганиб борилади, манбалари аниқланади ва мазмунига қараб моддий ёки маънавий жиҳадан рағбатлантириш ишлари олиб борилади.

Маданий тараққиётни қонуниятларидан бири-миллий қадриятлар фақат умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ривожланади. Бу йўналишда икки томонлама жараён содир бўлади, яъни, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар шакл ва мазмун жиҳатидан янгилашиб боради. Ўз навбатида миллий қадриятлар бошқа халқларнинг қадриятини ўзагини ташкил этади. Масалан, бугунги Ўзбекистон жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган ислохотлари билан ҳорижий тилларни, айниқса инглиз, корейс, турк каби тиллар республика ҳаётига шиддат билан кириб келаяпти ва фуқароларнинг асосий қисми томонидан давлат ишлари ва тадбиркорлик фаолиятларида астойдил қўлланилаяпти. Ўзбек тилини давлат мақомига эга бўлиши эса она тилига фуқароларнинг эътиборини ва масъулиятини яъни ҳам оширомоқда. Албатта бу жараён осонликча ёки қисқа вақт мобайнида амалга ошмайди. Бу йўналишда ўқув муассасаларининг ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган ишлари, маҳалла меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлиги билан юқори натижа бериаяпти. Халқимизнинг тили, онги ва тафаккурини шакллантиришда асосий масъулият ўқув юртларининг зиммасига тушиаяпти. Шунинг учун Фарғона водийсида ва умуман республикамизда олиб борилаётган демократик ислохотлар барча корхона ва ташкилотларни иш услубларини давр талаблари асосида олиб боришга дават этиаяпти. Ўзбекистонни ривожланган давлатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашни миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлашни ҳар томонлама таъминлаяпти. Сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, дўстлик, умумхалқ байрамларини кўтаринки руҳда нишонлаш урф-одати ва анъаналарини мазмунини кенгайтириб бориши, тарбиркор ва ишбилармонларнинг меҳнатини намоён бўлиши каби қадриятлар ҳам миллий ҳам умуминсоний ҳарактерга эга бўлишида яққол кўринаяпти.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мустақил Ўзбекистонда давлатимизнинг олиб борилаётган оқилона сиёсати ва демократиялашув жараёнларни кенг қўламда ривожланиб бориши маданий тараққиётга ва қадриятлар тизимига ижобий таъсир этиаяпти ҳамда аҳолини ижтимоий-сиёсий фаоллигини ўсиб боришига мустаҳкам замин яратияпти.

References :

1. SHavkat Mirziyoev Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob halqimiz bilan birga quramiz. T., O'zbekiston, NMNU, 2017, 502 b.
2. YUsupov E., va boshqalar. Falsafa. T. , "SHarq", 1999, 496 b.